

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК: 336.74:658 (575.1)


РАХМАТУЛЛАЕВ БОТИРЖОН АБДУЛҲАМИДОВИЧ

«АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КАПИТАЛЛАР ТАРКИБИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ»

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини
олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар: иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор О.О. Олимжонов



ТОШКЕНТ - 2022

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I-БОБ. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КАПИТАЛ ТАРКИБИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ОПТИМАЛЛАШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ - НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.	
1.1-§. Акциядорлик жамиятлари капиталларини шакллантиришнинг иқтисодий мазмуни ва уни бошқариш зарурлиги.....	12
1.2-§. Акциядорлик жамиятлари капиталларини шакллантириш тамойиллари.....	28
1.3-§. Акциядорлик жамиятлари капиталлар таркибини бошқариш ва уни оптималлаштиришнинг концептуал асослари.....	48
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	62
II-БОБ. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ КАПИТАЛЛАР ТАРКИБИНИ ШАКЛЛАНИШ ВА БОШҚАРИШ АМАЛИЁТИНИНГ ТАҲЛИЛИ.	
2.1-§. Акциядорлик жамиятлари хусусий капиталларини шакллантириш амалиётининг таҳлили.....	65
2.2-§. Акциядорлик жамиятларида капиталларнинг оптимал таркиби ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили.....	80
2.3-§. Акциядорлик жамиятлари капиталлар таркиби ва дивидент сиёсатининг ўзаро боғлиқлиги.....	92
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	99
III-БОБ. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ КАПИТАЛЛАР ТАРКИБИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ЙЎЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.	
3.1-§. Акциядорлик капиталларининг капиталларини молиялаштириш манбаларини самарали бошқариш йўллари	101
3.2-§. Капиталлар таркибини самарали бошқариш орқали акциядорлик жамиятлари молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш йўллари.....	111
Учинчи боб бўйича хулосалар.....	116
ХУЛОСА	119
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	122
ИЛОВАЛАР.....	138

КИРИШ

Диссертация мавзунинг долзарблиги ва зарурлиги. Иқтисодий ислохотлар шароитида глобаллашув ва рақобат жараёнларини тобора кучайиб бориши иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлашда молия бозори мисли кўрилмаган ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Жаҳон иқтисодиётида юзага келган ноаниқликлар капитал оқимларида жиддий муаммоларни юзага келтирмоқда. “Жаҳон саноатида капиталнинг ўртача тортилган қиймати 2021 йилда барча тармоқлар бўйича 6,6 фоизда ўзгаришсиз қолган. 2022 йилда келиб 6,8 фоизгача ўсиши кузатилмоқда. Бу ўсиш алоҳида тармоқларнинг ривожланишида ҳам ўз ифодасини топмоқда”.¹ Хусусан, йирик корхоналар капиталнинг ўртача тортилган қийматини ва унинг оқилона таркибини аниқлашни тақозо этмоқда. Шунингдек, 2020 йилда АҚШдаги компаниялар капитал қийматидан кутилаётган даромад 4,34 фоизни, Европада 4,56, Японияда 4,25, Хитойда 4,69, Ҳиндистонда 6,23 фоизни ташкил этган.² Бу эса, ўз навбатида, мазкур мамлакатлардаги компанияларнинг бизнес қийматини, инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ва инвестиция салоҳияти даражаларини аниқлашда компаниянинг капитали қийматини баҳолашнинг оптимал усулидан фойдаланиш зарурлигини намоён этади.

Ривожланган мамлакатларнинг йирик компанияларида капитални жалб қилиш, йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва инвестицион қарорлар қабул қилишда капитал таркибини шакллантириш моделларини Ўзбекистон иқтисодиётига жорий қилиш натижасида миллий иқтисодиётда фаолият юритаётган корхоналарнинг капитали таркибига таъсир қилувчи омилларни аниқлашда алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, хусусий ва қарз капиталини инобатга олган ҳолда капиталнинг ўртача тортилган қийматини ҳисоблаш(WACC), молиявий левереж таъсири (effect of financial leverage), молиявий коэффицентлар (financial ratios) ҳамда оптималлаштиришнинг замонавий услубларини(modern method of capital structure optimization)

¹ <https://www.kroll.com/en/insights/publications/cost-of-capital>

² <http://pages.stern.nyu.edu/~adamodar/>